

Бақара сураси, 133-оят

15:00 / 30.11.2017 3331

Ёки Яъқубга ўлим ҳозир бўлиб, у ўз ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» - деганида, улар: «Сенинг Илоҳинг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг Илоҳи - ягона Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга мусулмонлармиз», - деганларига гувоҳ бўлганмисиз?! Бақара 133.

Яъқуб алайҳиссаломга ўлим вақти етганда, атрофларида видолашиш учун йиғилиб, жимгина бош эгиб турган авлодларига васият қилиб:

«Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» - деб сўрадилар. Ўлимдан аввал у зотнинг фикрларини ишғол қилиб турган бирдан-бир ташвиш дину диёнат, ақийда ташвиши эди. Шунинг учун болаларини атрофларига тўпладилар. Ушбу масалада хотирларини жам қилиб кетмоқчи эдилар. Болаларининг ҳам жавоблари тайёр экан. Дарҳол:

«...улар: «Сенинг Илоҳинг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг Илоҳи - ягона Илоҳга ибодат қиламиз ҳамда биз Унга **мусулмонлармиз**», - дейишди.

Исмоил алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломга амаки бўлсалар ҳам, «Ота» дейишди, чунки амаки ҳам гоҳида ота ўрнида ҳисобланади.

Улар «Ёлғиз Илоҳга ибодат қиламиз», - дейишди. Бану Исроилга ўхшаб, «Узайр Аллоҳнинг ўғли», - деб, худога ширк келтирмадилар. Насронийларга ўхшаб, «Ийсо Аллоҳнинг ўғли» ёки «Аллоҳ учтанинг учинчиси», - демадилар. Араб мушрикларига ўхшаб, Лот, Уззо ва бошқа бутларни Аллоҳга шерик қилишмади ёки «Фаришталар Аллоҳнинг қизлари», - демадилар. Улар бошқа динларни эмас, айнан Исломни айтдилар, «Биз Унга мусулмонлармиз», - дедилар.